ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
O'.K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

# ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 10 апрел
сешанба № 47 (2304)

**ИП ООО «ARGE FASHION»**

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар қишлоқ-посёлкаси Карамуртская кўчасида жойлашган ИП ООО «ARGE FASHION» чет эл корхонасига тикувчи-чеварлар ишга қабул қилинади.

Иш вақти соат 8 00 дан-17 00 гача 1 сменада иш юритилади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат этилсин.
(99871) 161-04-41, 161-49-26, 161-49-21, 142-50-97.

## Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига



# ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИ ТИМСОЛИ

Мамлакатимизда халқимиз даҳоси тимсоли, маънавиятимиз рамзи Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 671 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Амир Темур номи билан аталувчи хиёбон кеча байрамона қиёфа касб этди. Эрта тонгдан ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари ҳамда жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, талаба ёшлар жам бўлишди. Барчанинг қалбида улуғ бобомизга эҳтиром, ҳурмат зоҳир эди. Бу йилги тадбир олдингиларидан тубдан фарқ қилди. Унда Соҳибқироннинг ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари, илм-фан, маърифат аҳлига кўрсатган ҳомийлиги, эл-улус фаровонлиги йўлидаги эзгу ишлари, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаш борасидаги олийжаноб фазилатлари қайд этилди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Соҳибқирон даҳоси, бунёдкорлик фаолияти ва истиқлол йилларида унинг шахсига нисбатан эҳтиром кўрсатиш, тарихини чуқур ва мукаммал ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, ул зот улуғ давлат арбоби, саркарда бўлиши билан бирга, барча эзгу инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган етук маънавият ва юксак ақл-заковат соҳиби ҳамдир. Соҳибқирон ҳамиша эъзозлаб келган эзгу ғоялар мустақил ватанимизнинг бугунги ҳаёти, халқимизнинг орзу-мақсадлари ва ёшлар камолида ўз ифодасини топмоқда. Тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов, кураш бўйича жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти аспиранти Шерзод Мирзанов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси, Алишер Навоий номидаги Давлат стипендианти Севинч Улашова сўзга чиқиб, ўз эҳтиромларини изҳор этдилар.

Амир Темур ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов қатнашди.

* * *

Шу куни Темурийлар тарихи Давлат музейида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган «Самарқанд дурдоналари» нодир буюм-ашёлар кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда XIV-XV асрларда бунёд этилган шаҳарсозлик маданиятига оид Бибихоним, Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Шоҳизинда мажмуаси, Гўри Амир мақбараси каби ёдгорликларнинг суратлари, слайдлар, темурийлар даврига оид миниатюралар, дунёга машҳур бадиий ва илмий асарлар, қўлёзмалар, кулолчилик, заргарлик, шишасозлик каби амалий санъат дурдоналари жой олган.

Музейнинг конференция залида таниқли шоир, ёзувчи ва олимлар иштирокидаги «Соҳибқиронни ёд этиб» номли мушоира, айниқса, таассуротларга бой бўлди. Анжуман давомида «Амир Темур танлови»ни қўллаб-қувватлаш борасидаги олийжаноб фазилатлари қайд этилди.

Ишонч» мухбири И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

# БУЮК БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

***Шавкатли бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларининг башарият олдидаги буюк хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Бугун юртимизда, шунингдек, хорижий мамлакатларда Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда. Дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Ўтган олти юз етмиш бир йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб дунё миқёсида яратилган салмоқли асарлар сони бир неча мингтадан ошди.***

Истиқлол шарофати билан миллатимиз фахри бўлган Амир Темурга нисбатан тарихий ҳақиқат қарор топди. Соҳибқироннинг хотирасини абадийлаштириш борасида улуғвор ишлар қилинаётир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов лутф этганидек, буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ўчмас номи, ул зотнинг ўз юртида қайтадан чарақлай бошлагани янги тарихимизнинг зарварақларидан бири бўлиб қолди. Бу улуғ имконият истиқлолимиз туфайли ҳамда Юртбошимизнинг адолатпарварлиги ва жасорати боис яралганини миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Ғоят қисқа фурсатда, атиги бир неча йилда юртимизда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, темурийлар даврининг бой маънавий қадриятлари теран ўрганилган ўнлаб илмий-бадиий тадқиқотлар, сахна, кино, тасвирий, ҳайкалтарошлик, меъморий асарлар яратилгани, шавкатли бобокалонимиз буюк маънавий меросининг жамиятимиз ва башарият тараққиётидаги беқиёс аҳамияти атрофлича таҳлил ва талқин қилинган рангбаранг китоблар нашр этилгани шулар жумласидандир.

Айниқса, Амир Темур тарихига оид бирламчи манбаларнинг ўзбек тилида чоп этила бошлангани диққатга лойиқдир. Мисол учун ўтган даврда Соҳибқирон қалами билан иншо этилган ноёб маърифий обида — «Темур тузуклари»ни ўрганиш, уни нафақат аслиятда, балки бошқа тилларда ҳам чоп этиш борасида жиддий ишлар олиб борилди.

Кейинги йилларда ушбу асар мамлакатимизда ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида бир неча бор чоп этилгани эътиборни тортади. Хусусан, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда «Темур тузуклари» ёзилганининг 600 йиллиги муносабати билан Амир Темур халқаро жамғармаси ташаббуси негизида «Темур тузуклари» (Тошкент, «Шарқ», 2005) ўзбек тилида қайта нашр этилди.

Кези келганда, Амир Темур даври тарихи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ижодида етакчи ўрин эгаллашини алоҳида қайд этиш жоиз. Адиб бу мавзудаги асарларини жамлаб китоб ҳолига келтирди ва «Амир Темур чамани» деган номда (Тошкент, «Ўзбекистон», 2006) Соҳибқирон таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб чоп эттирди. Ундаги шеърлар, достон, ҳикоя, тарихий романлардан парчалар, Улуғбек Мирзо ҳаётига бағишланган драматик асар ҳамда эссе ва публицистик мақолалар Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида ҳикоя қилади. Китобни бадиий безатишда қадимги шарқ миниатюраларидан фойдаланилгани унинг аҳамиятини янада оширган.

Муҳаммад Али қаламига мансуб «Улуғ салтанат» романининг иккинчи китоби - «Умаршайх Мирзо» асари (Тошкент, «Шарқ», 2006) ҳам адабий жамоатчилик ва китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Шу ўринда яна бир янги манба — Носир Муҳаммаднинг «Насаф ва Кеш алломалари» тазкирасига китобхонлар эътиборини жалб этмоқчимиз. Ушбу асар минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Қарши (Насаф) ва Шаҳрисабз (Кеш) шаҳарларида яшаб ижод этган юздан ортиқ номдор, шунингдек, адабий жамоатчиликка илк бор маълум қилинаётган машҳур шахслар, олимлар, шоирлар, бастакорлар, созандалар, меъмор ва ҳаттотлар ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган. Эътиборли жиҳати шундаки, тазкиранинг алоҳида боби «Амир Темур даври дипломатлари» деб номланган ва унда Ҳожи Муҳаммад ал-Кеший, Мавлоно Жалолиддин Кеший ва Мавлоно Абдуллоҳ Кеший каби Амир Темур элчиларининг таржимаи ҳолига оид нодир маълумотлар келтирилган.

Шавкатли аждодимизга хизмат қилай деб астойдил бел боғлаган зиёлиларимиздан бири адиб ва журналист Ҳаким Сатторийнинг Темур бобомиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бир қанча асарлари китобхонга яхши таниш.

«Олтин силсила» (Тошкент, «Шарқ», 2006) - муаллифнинг бу йўлдаги янги қадамидир. Ушбу китоб Соҳибқироннинг жаҳон тарихида тутган ўрни, тарихий шахс сифатида дунё миқёсида тан олинишига, унинг насл-насабига бағишланган. Асарда ҳазратнинг туғилишидан бошлаб бутун ҳаёти давомидаги барча асосий воқеалар солнома тарзида келтирилгани эътиборлидир. Муаллиф илмий тадқиқотларда тасдиғини топган кўплаб факт ва далилларга таяниб иш кўрган. Бу эса, ўз навбатида, унинг Амир Темурдек буюк шахс тўғрисида имкон қадар тўла ҳаққоний маълумот беришини таъминлашга хизмат қилган.

Ҳаким Сатторий қаламига мансуб навбатдаги янги асар «Ҳазрат Соҳибқирон» эссесини муаллифнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ўзига хос чизгилар тўплами дейиш мумкин. Муаллифнинг ўзи китоб муқаддимасида қайд этганидек: «Буюк зотларнинг таржимаи ҳоли янги бир тарихий далил топилса ёки исботланса, қайта-қайта ёзилаверган. Зеро, бундай шарафга эга бўлган кишилар ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси турли сиртоатларга тўла. Бинобарин, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз ана шу теранликни кашф этиш йўлидаги навбатдаги уриниш. Шубҳасиз, Соҳибқирон бобомиз ҳақида энг мукаммал асарларни яратиш ҳали истиқболда турибди».

Дарҳақиқат, вақти келиб авлодлар буюк бобомиз ҳаётининг ҳар бир кунини, ҳар бир лаҳзасини чуқур ўрганиб чиқадилар. Бунга уларни биров мажбур этмайди, аксинча, бу кўнгил эҳтиёжи, ҳаёт заруратига айланади. Энг муҳими, бу Ватанимиз тарихи, бугуни ва истиқболи, мамлакатимиз тараққиёти, миллатимиз шаън-шавкати, обрў-эътибори, халқимизнинг буюк келажаги нуқтаи назаридан ғоятда аҳамиятли жараёндир!

Шундай экан, Соҳибқироннинг суронли даврини англаб етишда у ҳақда ёзилган ва ёзилаётган асарлар - зиёлиларимизнинг буюк бобомизга эҳтироми рамзидир, десак янглишмаймиз. Президентимиз Ислом Каримов эътироф этганидек, Амир Темурни англаш ўзлигимизни англаш демакдир.

**Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлар доктори,**
**профессор**

## Атроф ораста, хонадонларимиз сариштa бўлсин

***Фараз қилайлик. Атроф чиннидек тоза ва ораста. Қараб туриб, кишининг дили яйрайди. Бундай манзарадан инсоннинг кайфияти кўтарилиб, иш унуми ортади, десам ишонаверинг. Лекин унинг акси бўлса-чи? Кўча супуриб-сидирилмаган. Ҳар ерда чиқинди уюмлари. Айниқса, ёз пайтида ундан анқийдиган қўланса ҳидни айтмайсизми?***

***Тошкент Марказий Осиёдаги энг катта шаҳар ҳисобланади. Меҳмони кўп, бунинг устига ён-атрофдан ҳар куни юз минглаб киши келиб-кетиб туради. 2 миллион 600 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилишининг ўзиёқ ҳудудни батартиб сақлаб туриш нақадар қийинлигидан далолат беради. Лекин орамизда шундай кишилар борки, уларнинг камтарона меҳнати туфайли кўнгилга ёруғлик инмоқда. Уларни ҳар куни иш жойларда учратамиз. Булар — фаррошлардир.***

# КАТТА ШАҲАР ФАРИШТАЛАРИ



Хўш, гўзал Тошкентимизнинг янада гўзал ва файзли бўлиши учун нималар қилиш керак? Фаррошларнинг меҳнати ҳамиша ҳам қадрланяптими? Шу ўринда шаҳримиз аҳолисига қандай талаблар бор? Мухбиримиз Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бирлашган касаба уюшма ташкилотининг раиси Маҳбула Мамадалиева билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Халқимизда онангни отангга бепардоз кўрсатма деган нақл бор. Бунинг устига фаррошлар иши фасл билан боғлиқ. Қишда шаҳримизни қордан тозалашса, хазонрезги вақтда ишимиз, айниқса, қайнаб кетади. Қор-ёмғир дейсизми, саратон дейсизми, шаҳар озода бўлиши керак, — дейди суҳбатдошимиз. — Шундан ҳам фаррошларимизга кимлардир ўйлагандек, унчалик осон эмаслигини билиб олса бўлади.

Айни вақтда шаҳримизда 3 минг 700 нафардан зиёд фаррошлар меҳнат қилишяпти. Шуни таъкидлаш лозимки, баъзи пайтларда бажараётган ишимиз кўзга кўринмайди. Лекин ҳар бир киши кунига 2 минг 500 квадрат метр жойни супуриб-сидириши эса бунга аниқлик киритади. Шунча жойни кунига 3-4 мартадан тозалашга тўғри келади. Бир журналда ўқигандим. Аёл киши рўзғор ишларини бажариши учун кунига 16 километр йўл босар экан. Шуни фаррошларимиз фаолиятига таққосласак, буёғини ҳисоблаб олаверинг.

**— Дов-дарахтларга шакл берилган, атроф топ-тоза бўлса, кишининг бахри-дили очилади.**

— Албатта, фаррошлар кўкаламзорлаштирувчилар билан ҳамкорликда ишлашади. Тасаввур қилинг, ҳаммаёқ тоза бўлсаю, кўкаламзор бўлмаса. Ёки аксинча... Бу ҳам ёмон. Шу боисдан фаррошларимизни чет эллик ҳамкасбларининг ютуқлари билан таништиришга ҳаракат қиляпмиз. Яқинда Жанубий Кореядан маиший хизмат ходимлари ташриф буюришди ва меҳнатимизни яхши баҳолашди. Германия, Туркия ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан ҳам тез-тез меҳмонлар келиб туришади. Биз уларнинг берган таклифларига бефарқ қарамаймиз.

Энди юқоридаги саволингизга келсак, шаҳримизнинг «Эзгулик аркаси», «Шаҳидлар хотираси хиёбони»ни бир айланган киши бизнинг ходимларимиз меҳнатларига юқори баҳо беришлари тайин. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

**— Шу ўринда кичкина бир эътироз ҳам бор. Ҳамшаҳарларимиз эрталаб ишга отланишаётганда бекатларда фаррошлар кўча чангитиб қолишади. Шу ишни тунда ёинки саҳар чоғида амалга оширса бўлмайдими?**

— Фикрингизга қўшиламан. Бу ҳақда кўп ўйладик. Лекин айрим муаммолар борки, буни амалга ошириш имкониятини бермаяпти. Бу транспорт билан боғлиқ. Шу нарсанинг ечимини топсак, албатта айтган таклифингизни амалга ошириш мумкин бўлади.

**— «Авесто»да нақл қилинишича, қаерда сариштaлик бўлса, ўша жойдан ёвузлик қочиб, эзгулик ҳукмронлик қилади. Бундай эзгуликка ҳисса қўшаётганлар муносиб рағбатлантирилмоқдами?**

— Минг бор шукрки, фаррошлар меҳнатининг қадрига етувчилар ҳам кўплаб топилади. Тўман ҳокимликлари, Қувайт халқаро хайрия жамғармаси, «Фалак нури» ташкилоти, «Экосан» халқаро жамғармаси шулар жумласидандир. Улар бу фидойи касб эгаларини иссиқ кийим-кечак ва бошқа нарсалар билан баҳоли қудрат таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Бу борада Муқимий номидаги мусиқий, Ўзбек Миллий академик драма театрлари ҳам ишчиларимизни имтиёзли чипталар билан ҳурсанд қилишяпти. Бунинг учун уларга минг бора қуллуқ.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси маъмурияти ҳамда бирлашган касаба уюшма ташкилоти уларни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватламоқда. Ҳар байрамда фаррошларимиз қиммат-баҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланишмоқда. Фахрийларимизнинг ўзига ўтган йили 1 миллион 250 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Лекин муаммоларимиз ҳам бор. Бу транспорт қатновига ойлик чипта бериш масаласи. Айрим фаррошларимиз бир ерни тозалаб, иккинчи жойда иш бошлаш учун икки-уч бекат йўл босишлари керак. Пиёда юришга вақтни қизғанишади. Транспортда боришга чипта олиш керак. Яқинда ҳуник бир воқеа содир бўлди. Бир автобус ҳайдовчиси икки бекат бепул юраман деган фаррошни тушириб юборган. Ахир у озгина маошга ишлаб, шаҳримизни чиройига чирой қўшаётган инсонга бир оз бўлса-да, мурувват кўзи билан қараса бўларди-ку.

Яна бир муаммо. Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтмаган шахсларни ишга қабул қилиш тақиқланган. Лекин бизнинг кўпчилик ишчиларимиз Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота ҳамда Тошкент туманларидан қатнаб ишлашади. Шу масала ҳам ечимини топса дегандик.

**— Тошкентдаги ҳовли уйларда келинлар саҳарда туриб, кўчани супуриб-сидиришади. Юрсангиз завқингиз келади. Айрим кўп қаватли уйларнинг олди эса бунинг тамоман акси. Шундан келиб чиқиб фуқароларда, айниқса, ёшларда шаҳримиз озодалиги учун масъулиятни уйғотиш вақти аллақачон етиб келмадимикин?**

— Биз маиший хизмат ходимларининг ашаддий «душман»имиз бекатда писта чақиб турадиган кишилардир. Айрим кишилар эса машинада кетаётиб, сигарет қолдиқларини ёки «баклажка»ни йўл чеккасига улоқтиришади. Мана шуларнинг ўзи шаҳар аҳолисидан йиғиб олинадиган чиқинди миқдорига тенг келади. Наҳотки, улар ўзлари яшаётган муқаддас маскан ҳуснига доғ тушираётганликларини сезишмаса!

Сизнинг юқоридаги саволингизга келсак, кўп қаватли уйлар атрофини уй-жой ширкатларининг фаррошлари тартибга келтиришлари керак. Лекин шу уйда истиқомат қилувчилар ҳам «шаҳар барчамизники» деган шиорни унутмасалар айни муддао бўларди. Ахир, бир шаҳарда яшасак, ундан нафас олсак унинг тоза ва шинам бўлиши учун ҳаммамиз бирдек ҳаракат қилишимиз зарур эмасми?

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойида касаба уюшмалари билан маҳаллалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни яхшилаш борасида тегишли вазифалар белгиланганлиги барчага алоҳида масъулият юклади. Зеро, касаба уюшма куч-қудратининг манбаи - меҳнаткаш халқ бўлса, маҳалла ўз тасарруфидаги маҳаллий аҳолига таяниб ишлайди ва яшайди. Хўш, бугунги кунда маҳалла ва касаба уюшма ҳамкорлиги ҳақида нима дейиш мумкин?***

Сирдарё вилоятида бу саволга кўплаб мисоллар келтирсак бўлади. Жумладан, Гулистон шаҳридаги «Навбаҳор» маҳалласи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, Наврўз шодиёнаси арафасида бошланган ибратли тадбирлар ҳамон давом этаяпти. Деярли 4 минг аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда баҳорги ободончилик ишлари авжида.

Маҳалла раиси, касаба уюшмаси аъзоси Гулнора Болтабоева билан учрашиб, унинг бугунги қайноқ ҳаёти билан таништик. Шу куни ҳашар ўтказилаётган экан.

Дарҳақиқат, «Дўстлик» ва Абдураҳмонов номли кўчаларидаги уйларда яшовчи фуқаролар ҳашарда фаол қатнашишаяпти. Қаёққа қарасанг, ҳаммасининг қўлида иш қуроллари — белкурак, кетмон, супурги, дарахтлар ва деворларни оқлаш учун чўткалар, пақиру тоғоралар...

Касаба уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмасидан бириктирилган Исроил Қорахонов шундай дейди:

— Ҳозиргача иккита кўчадаги 3 километрлик бетон ариқлар тозаланди. Фуқаролар ўзлари яшаётган уйлар атрофи ва ҳовлиларга 2,5 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини экишди. Деворлар, дарахтлар оқланди. Чиқиндилар йиғиштириб олинди.

Суҳбатга маҳалла маслаҳатчиси Гулчеҳра Бакировани чорладик.

— Кўчаларимиз кўркига кўрк қўшадиган турфа гуллар экилди, — дейди у. — Фарғона водийсига борсак, бундай гуллар чиройидан кўзларимиз қамашади. Яқинда кўрасиз, маҳалламиз вилоят марказидаги энг гўзал гўшага айланади.

**— Маҳалла ҳудудида 6-ўрта умумтаълим мактаби, «Наврўз» болалар боғчаси ишлаб турибди. Ҳашар байрамида улар қандай иштирок этишаяпти?**

**Саволимизга маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси Урфия Ҳакимбоева қуйидагича жавоб қайтарди:**

— Мактабда ҳам касаба уюшма қўмитаси фаолият кўрсатиб келаяпти. Уларнинг ташаббуси билан маҳалламизда бўш ётган ташландиқ жой тозаланди. У ерда «Битирувчилар» ва «Илк қадам» боғлари барпо этилаяпти.

Айниқса, уюшмаган аҳолини ҳашарга сафарбар этишда кўчабошилар, касаба уюшма қўмиталари ва маҳалла фаоллари кўмакдош бўлишаяпти.

**— Улардан кимларни алоҳида тилга олсангиз бўлади?**

— Намунали хонадонларнинг ибратли бекалари Жумагул Маъруфова, Иноибат Сарибоева, маҳалламизнинг обрўэътиборли оилалари соҳиблари Саъдихон Эшонхонов, Эшонқул Сайфуллаевларни ҳурмат билан тилга олсак арзийди.

Суриштириб билсак, бу ерда салкам 550 та ҳовли ва 46 та кўп қаватли турар-жойлар бор экан. Маҳаллада 16 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг ҳар бири ўз миллий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда маросимларига амал қилишади.

**— Айтинг-чи, маҳаллада сермиллат аҳолининг бошини қўшиш, ҳар бирининг кўнглига тўғри йўл топиш қийинчилик туғдирмаяптими?**

— Биласизми, деди маҳалла раиси Гулнора Болтабоева, — элчилик-да, пастбаланд гапларга дуч келиб турамиз. Мураккаб вазиятларда Гулчеҳра Бакирова билан маслаҳатлашиб, масалани ижобий ҳал этишга эришаяпмиз.

Очиқ айтганда, касаба уюшмалари билан маҳалла ҳамкорлиги бошлангани нур устига аъло нур бўлди. Агар маҳаллада касаба уюшма қўмитасини тузсак, ўйлайманки, ишларимиз янада ривож топарди.

Баъзида яқин қўшнилар ўртасида низолар чиқиб қолади. Оилавий можароларга ҳам тўқнаш келиб турамиз. Ҳаёт дегани ўз номи билан ҳаёт экан. Шунинг учун, қариндош-уруғчилик, миллатлар ўртасида ўзаро дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлаб бораяпмиз.

Айниқса, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда касаба уюшмалари ёрдамини сезиб турибмиз. Жанжалли хонадонларни муросага келтиришда улар бизга кўмакдош бўлаётгани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Агарда маҳаллалар қошида бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Нега десангиз, маҳаллада аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи кичик корхоналар, наввойхона, пойафзал таъмири ва шунга ўхшаш иш жойлари фаолият кўрсатиб келаяпти.

Байрам куни Низомий кўчасидаги майдонда дошқозон қайнади. Унда баҳорнинг тансиқ таоми — сумалак тайёрланди. Нуроний отахонлар ва табаррук онахонлар дуоси олинди. Касаба уюшма ва ҳомий ташкилотлар, корхоналар ҳамда маҳалланинг саховатли тадбиркорлари ҳиммати туфайли камхарж 85 та оила, ётиб қолган 12 нафар ногирон, боқувчисиз ёлғиз қариялардан 13 нафар кишининг ҳолидан хабар олинди. Уларга совғалар тортиқ қилинди.

Меҳнаткашларнинг оммавий ташкилоти — касаба уюшмалари ва маҳаллалар ҳамкорлиги миллий истиқлолимизнинг катта муваффақиятларидан бири десак, мутлақо янглишмаймиз.

**Пиримқул ДЎСМАМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Хабарлар

# ДОВРУҒИ САРБАЛАНД ДИЁРИМ

***Самарқанд. Биргина ана шу сўз орқали бутун бошли тарих кўз олдимизда гавдаланади. Шарқнинг кўзга кўринган олимлари, ёзувчи ва мутафаккирлари — Хўжа Исмоил ал-Бухорий, Имом Мотурудий, Рудакий, Улуғбек, Хўжа Аҳрор, Навоий, Жомий, Бобур, Аҳмад Дониш ва бошқа улуғ зотларнинг қадами етган муқаддас замин бу.***

Бугун шаҳардаги «Боғи Эрам», «Боғи Баланд», «Боғи Беҳишт», «Боғи Зоғон» сингари тарихий боғлар истиқлол нуридан қайта чирой очиб, одамларга кўркамлик ва саховат улашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, борликни яшилликка, гулу гулзорга буркаб кириб келган баҳорнинг бу гўшада шукуҳи янаям ўзгача. Барча маҳаллаларда хонадонлар, гузарлар, кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, гўзал кўринишга келтирилган. Энг асосийси, шаҳар ҳудудида Наврўз байрами муносабати билан 40 дан ортиқ қурилиш объектлари фойдаланишга топширилди. Маиший ва савдо нуқталари, коммунал хизмат тармоқлари, айниқса, меҳмонхоналар алоҳида дид билан таъмирланмоқда.

— Қадимий байрамимизни нишонлашга олдиндан катта тайёргарлик кўрдик, — дейди биз билан суҳбатда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон Розиқов. — Асосий тадбирлар шаҳарнинг Регистон майдонида, «Суғдиёна», «Ёшлик» ва Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғларида бўлиб ўтди. Жойларда баҳор ҳадя этган хушу шодонлик тадбирлари давом эттирилмоқда. Бу йил «Шарқ тароналари» халқаро фестивалининг навбатдаги тантаналари ва Самарқанднинг 2750 йиллик тўйи ўтказилади. Наврўз шодиёналари ана шу улкан тантаналарнинг дебочаси бўлди, десак янглишмаймиз.

Дунё нигоҳи тикилган шаҳарда тўйолди тадбирлар қизғин бошлаб юборилган. Юбилей олдидан, аниқроғи, шу йилнинг 24-26 май кунлари «Самарқанд шаҳрининг умумбашарият маданий тараққиёти тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтади. Унга Ўрта Осиё, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва Овруپа давлатларидан шарқ тарихи билан шуғулланувчи кўпгина олимлар таклиф этилган. Бу борада олиб борилаётган тайёргарликлар хусусида Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов қуйидагича фикр билдиради:

— Шу кунларда халқаро симпозиумга таклиф этилган 40 дан ошиқ мамлакатлар олимларидан маъруза матнлари келиб туша бошлади. Биз ижодий ишчи ҳайъат аъзолари уларни алоҳида китоб ҳолида нашрга тайёрлаяпмиз. Шунингдек, юбилей кунларигача Самарқанд ўтмиши ва бугуни акс этган қалин ва рангли китоб-альбом чоп эттириш тараддудини кўраяпмиз. Бу борада «Ўзбекистон» нашриёти асосий ҳамкоримиздир. Дарвоқе, Самарқанд шаҳридаги барча тарихий обидалар, уларнинг бунёд этилиши билан боғлиқ маълумотлар ҳам рус, инглиз ва ўзбек тилларида чиройли буклет қилинмоқда. Бевосита институтимиз ва Самарқанд тарихи музейи ходимлари ҳамкорлигида музейда шаҳарнинг энг қадимий тарихига оид кўргазма намойиши ташкил этилмоқда. Бу кўргазма Самарқандга ташриф буюрган меҳмонлар кўз ўнгида улкан тарихни жонлантирса, не ажаб!

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ДИСПАНСЕР ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

**Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги тўйи арафасида Навбаҳор кўчасида жойлашган икки қаватли ўсмирлар ва талабалар диспансери қайта қурилиб фойдаланишга топширилди.**

— Даволаш масканида ёшларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шароит ва қулайликлар яратилган, — дейди бош врач Баҳромжон Исоқов. — Бу ерда 16 нафар врач, 50 нафар ҳамшира, 16 нафар кичик тиббий ходим хизмат кўрсатади. Шаҳардаги 7 та касб-ҳунар коллежлари ва ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида зарур тадбирлар белгиланган.

Даволаш масканида таъмирлаш ишларини шаҳардаги 6-механизациялашган кўчма колонна масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бажарди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига 64 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ушбу даволаш маскани Йўрмадўз маҳалла аҳли учун ҳам тўй олдидан муносиб совға бўлди.

# АСРДАН ОШГАН ҚАРИЯ

**Марғилон шаҳар Баҳрин маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига қадам ранжида қилган киши 109 ёшни қаршилаган Восиев Ҳакимжонҳожи бобони кўрмасдан қайтмайди.**

Нуроний отахон маҳалланинг фахри. Барча қари-ю, ёш унинг дуосини олишга шошилади. Умр бўйи Аҳмад Яссавий номли хўжалик далаларида тер тўкиб меҳнат қилди. Рафиқаси Эътиборхон буви билан тўрт ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказди. Бугунги кунда уларнинг фарзандлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида эл-юртга хизмат қилаяпти. 24 невара, 34 чевара севимли бобожони атрофида парвона.

— Мен ҳар тонг саҳарда туриб, дуога қўл очаман. Аллоҳдан юртимизни ҳамиша тинч, осмонимизни мусаффо сақлашини сўрайман, — дейди ҳожи ота.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
**меҳнат фахрийси**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ

## тараққиёт омили

**Мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва тараққиётида энергетика, кимё саноати ва машинасозлик муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам ҳукумат томонидан бу соҳалар ривожига алоҳида эътибор қаратилади.**

— Кимё саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди «Ўзкимёсаноат» ДАК раҳбари Г.И.Ибрагимов. — Юртимиз йирик конлар — газ, газ конденсати, нефть ва фосфор каби кимё саноатида ишлатиладиган ресурсларга бой. Шуни таъкидлашни истардимки, ўтказилаётган мазкур халқаро кўргазма маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга истеъмолчиларни жалб этиш, ўз маҳсулотини халқаро миқёсда танитиш, хориж ва МДҲ минтақасидаги компаниялар ҳамда бизнес тизимлар ҳақида кенг маълумот олиш имконини беради.

Пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Энергетика. Кимё. Машинасозлик—Industrial Expo Uzbekistan» 3-халқаро ва «Лаборатория Экспо» 1- Марказий Осиё ихтисослаштирилган кўргазмалари замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилди.

«Zar Expo» компанияси ташаббуси ҳамда «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, республика Савдо-саноат палатаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Россия, Германия, Япония, Латвия, Швеция ва бир қатор мамлакатларнинг 30 дан ортиқ етакчи компания, фирмалари ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар.

Кўргазма павильонларидан юқори сифатли машинасозлик маҳсулотлари, тоғ металлургия корхоналари учун назорат-ўлчов воситалари, кимё ва нефть-кимё саноатининг ускуна ва жиҳозлари, кўчма дизель-генераторлар, бензин ва дизель билан ишлайдиган кичик электр станциялари, энергетика технологиялари, лаборатория жиҳозлари, сувни тозалаш ва таҳлил қилувчи асбоб-ускуналар намуналари жой олган.

Учинчи бор ўтказилаётган мазкур кўргазмада мамлакатимиз ишлаб чиқариш субъектларининг иштироки ва маҳсулотлар тури кўплиги билан киши эътиборини ўзига тортади.

Истеъмолчиларни ўз маҳсулотлари билан яқиндан таништириш, ҳамкорлик сафини кенгайтиришга хизмат қилувчи бу кўргазмада хориж компаниялари ва ишлаб чиқарувчиларининг қатнашиши давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Мактуба МЎМИНОВА,**
**«Ишонч» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## Ўзбекистон — умумий уйимиз

***Дўстлик ва қардошлик халқимиз маънавий ҳаётининг гултожи, маънавиятимиз кўзгусидир.***

***Вилоят рус миллий-маданий маркази раҳбари Елена Кучеренкони Қарши шаҳрининг бош майдонида ўрнатилган «Эл-юрт таянчи» монументи ёнида учратдик. У ўқувчиларга обиданинг вужудга келиш тарихи ҳақида сўзлаб бераётган экан.***

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

— Мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор вазифа қилиб белгиланганлиги, юрт равнақи, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, яратувчанлик каби инсонпарварлик тамойиллари «Эл-юрт таянчи» монументида ўз ифодасини топган, — дейди асл касби муаллимлик бўлган Елена опа. — Ушбу ҳайкал бизнинг навқирон ва мустақил республикамизда қарор топган осойишталик, бунёдкорлик, бирбирига меҳр-муҳаббат ва қардошлик тимсолидир.

Қашқадарё вилоятида йигирмадан ортиқ миллат ва ўнга яқин элат вакиллари истиқомат қилади. Улар Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари орқали яратиб берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, тинч ва осойишта кун кечириб, иқтисодиёт, илм-фан, маданиятнинг турли соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги хорижий давлатлар билан дўстлик, маданий-маънавий алоқалар бўлими бошлиғи Салоҳиддин Умаров таъкидлаганидек, чет мамлакатлар билан ўрнатилган дўстлик, маданий-маърифий ҳамкорлик ўз тарихига эга. Халқлар ўртасидаги дўстликни ҳақли равишда элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи мустаҳкам кўприк деб аташ мумкин.

— Буюк истиқлол шарофати ила чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар янада яхшиланди ва замон талабига мос янгича мазмун-моҳият касб этди, — дейди корейс миллий маданий маркази раҳбари Павел Пак. — 1997 йил 20 майда Тошкентда «Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг эълон қилиниши серқуёш диёримизни мустақил демократик давлат сифатида ўзга ўлкалар билан маданий, илмий ва гуманитар алоқаларни йўлга қўйишида муҳим аҳамият касб этади.

26 майида Президентимиз томонидан «Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг эълон қилиниши серқуёш диёримизни мустақил демократик давлат сифатида ўзга ўлкалар билан маданий, илмий ва гуманитар алоқаларни йўлга қўйишида муҳим аҳамият касб этади.

— Ҳар бир халқнинг бой тарихи, маданий мероси, адабиёти ва санъати, урф-одатлари ва анъаналари бор, дея — сухбатимизга қўшилди татар-бошқирд миллий-маданий маркази раиси Равил Ихсанов. — Марказимизнинг вазифаси аввало миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, халқлар тарихи, маданияти, урф-одатларини кенг тарғиб қилишдан иборат. Турли миллат ва элат вакиллари билан доимий алоқа ўрнатиш, уларга авлод-аждодлари яшаган замин тарихини унутмасликда яқиндан кўмаклашиш, хориждаги ватандошларимиз билан дўстлик ришталарини йўлга қўйишдан иборатдир.

Бундан олти йил муқаддам вилоятда татар-бошқирд миллий-маданий маркази ташкил этилган эди. Воҳа аҳолиси ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш соҳасидаги самарали хизмати ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун Равил Ихсанов «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

— Бу мукофот кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди, — дейди Равил ака ғурурланиб. — Марказимиз аъзолари мамлакатимизда ўтказилаётган барча миллий байрам ва оммавий тадбирларда фаол қатнашиб, ўз санъатлари ва маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Бизга Шўртан газкимё мажмуи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Муборакнефтгаз», «Шўртангаз» унитар корхоналари, «Зафко ЛТД» Ўзбекистон-Покистон қўшма корхоналари жамоалари яқиндан ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқдалар.

Татарлар билан ўзбекларнинг бир-бирини тушуниши учун таржимон керак эмас. Ҳар иккала миллат дўстлигининг тарихий илдизлари олис ўтмишга бориб тақалади. Татар биродарларимизнинг дилтортар лапарлари, жозибали рақслари, кўзни ўйнатадиган миллий кийимлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Татар шоири Муса Жалил таваллудининг 101 йиллигига бағишлаб Қарши санъат коллежида уюштирилган шеърият кечасида рус-ўзбек, тожик, қозоқ миллати вакиллари ҳам фаоллик кўрсатдилар. Айниқса, буюк шоир билан Маобит концлагерида бир хонада яшаган, ўзининг илк шеърларини улуғ ижодкор назаридан ўтказган иккинчи жаҳон уруши фахрийси Ҳабиб Файзуллаевнинг қатнашиши тўпланганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Эътироф этиш керакки, миллий маданият марказларининг барчаси ўзининг бадиий дасталарига эга. Корейсларнинг «Орион», русларнинг «Сударушка», арабларнинг «Ал-арабия», татар-бошқирдларнинг «Баҳор» миллий этнографик бадиий гуруҳлари чиқишлари катта қизиқиш билан кутиб олинди. Эндиликда украин ва туркман миллий-маданий марказлари очилиши ҳам кўзда тутилган.

— Марказ ташкил этилган 1991 йилдан буён ўтган давр мобайнида «Ўзбектелефильм» студияси томонидан «Асрлар қўйнида», «Жейновликлар», «Ўзбекистон араблари» каби ҳужжатли фильмлар суратга олинди, — дейди вилоят араб миллий-маданий маркази директорининг ўринбосари Шомурод Шаропов.

Амалга оширилаётган ишлардан ибрат олса арзийди. Марказ ташаббуси билан қадимий араб гиламларини тўқиш цехи ва араб тилини ўргатадиган курслар очилди. Жейнов қишлоғининг маданият уйида кўргазма зали ташкил этилган бўлиб, унда намойиш этилаётган экспонатлар мамлакатимиздаги арабларнинг қадим анъаналари, урф-одатлари ва таниқли кишилар фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади. «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Кучимиз бирлик ва жипсликда», «Ватан ягонадир — Ватан биттадир», «Ягона ота фарзандлари» каби кечалар ва учрашувлар қизиқарли ва мароқли бўлди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Қонун — устувор

# ҚЎШМА КОРХОНАДАГИ «ЎЗГАРИШ» ТУФАЙЛИ

## чет эл фуқароларининг ҳуқуқи бузилган эди...

**2001 йил охирроғида Бешариқ туманида «Ўзбекистон-Олмония-Туркия Бестекс» қўшма корхонасининг ташкил топиши мамлакат иқтисодиётида ўзига хос воқеа бўлган. Қўшма корхона таъсисчиларининг 2003 йил 8 август кунги умумий йиғилиши қарорига асосан Туркия давлати фуқароси Меҳмет Эмин Уйсал бош директор этиб тайинланган эди. Корхона дуппа-дуруст ишлаб, хорижга ҳам маҳсулот чиқара бошлади...**

2006 йил 29 май куни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки вакиллиги корхона бош директори хонасига шитоб билан кириб келишди. Улар шу бугун қўшма корхона таъсисчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишмоқчи эканлигини айтишди. Бунга сабаб, корхона кредит шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини вақтида бажармаганлиги экан. Табиийки, бош директор бунга кўнмади, чунки таъсисчилар йиғилишни бемаврид чақиришнинг ҳам умумий қоидалари бор. Лекин банк вакиллари қаттиқ туриб олишди. Бош директор бундан норози бўлиб чиқиб кетса-да, йиғилишни ўтказишди. Бош директор Меҳмет Эмин Уйсални лавозимидан бўшатиб, ўрнига банк вакили Р. Раҳматуллаевни тайинлашди...

Бундан руҳан эзилган Меҳмет Эмин Уйсал хасталаниб, даволаниш учун ўз юрти Туркияга жўнаб кетди. Соғлиғи тиклангач, қайтиб келди ва фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки, «Бешариктекстил» ҳиссадорлик жамияти ҳамда «Бестекс» қўшма корхонасига нисбатан ишга тиклаш, мажбуран бўш юргани учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш, шу билан бирга, қўшма корхона таъсисчиларининг 2006 йил 29 май кунги умумий йиғилиши қарорини бекор қилишни сўраб даъво аризаси берди. Суд даъвони қаноатлантирмади.

2007 йил 8 январ куни фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судида юқоридаги иш юзасидан туман суди ҳал қилув қарорига Ўзбекистон туман прокурорининг келтирган аппеляция протести ҳамда даъвогар Меҳмет Эмин Уйсалнинг аппеляция тартибидаги шикояти кўриб чиқилди. Судда ишнинг барча ҳолатларига қонуний баҳо берилди ва дастлабки суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, прокурор протести, даъвогар даъвоси қаноатлантирилди.

ФПКнинг 15, 56-моддаларига кўра, суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тараффлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли. Суд қандай ҳолатлар иш учун аҳамиятга эга эканлигини, уларни тарафлардан қайси бири исботлаши кераклигини аниқлайди, ҳатто тарафлар бу ҳолатларни далил қилиб келтирмаган бўлсалар ҳам, уларни муҳокамага қўяди, деб кўрсатилган. Дастлабки суд боскичида процессуал қонуннинг шу талаблари тўлиқ бажарилмаган.

Қўшма корхона таъсисчиларининг 2006 йил 29 май кунги навбатдан ташқари йиғилиши ноқонуний ўтказилган. Корхона низоми ва қонун талаблари бузилган ҳолда қарор қабул қилинган. Навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида 4 та таъсисчига бир ой аввал ёзма равишда хабарнома берилмаган. Оқибатда йиғилишда таъсисчилар иштирок этмаган. Йиғилиш баённомасида Ўзбекистон томонидан «Бешариктекстил» бошқарув раиси Р.Алибердиев ёки унинг ишончли вакили иштирок этмаган бўлса-да, 36,4 фоиз овоз билан Р.Алибердиев иштирок этгани кўрсатилган. Бу билан ҳам кифояланилмай, Р Алибердиев йиғилиш котиби қилиб кўрсатилиб, имзоси қалбакилаштирилган. Ваҳоланки, шу кунлари Р.Алибердиев ўз ҳисобидан таътил олиб, даволанаётган эди.

Йиғилишни ўтказишда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 33-, 34-моддалари талаблари ҳам қўпол равишда бузилган.

Аппеляция боскичи суди қуйи боскич судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги ҳал қилув қарори билан Меҳмет Эмин Уйсални қўшма корхона бош директори лавозимига тиклади. Ноқонуний ўтказилган умумий йиғилиш қарори бекор қилинди. Суд Меҳнат Кодексининг 275-моддасига асосан даъвогарга қўшма корхонадан мажбурий прогул вақти учун 1260000 сўм иш ҳақи ва 180000 сўм маънавий зарарни ундириб беришни лозим тогди.

Қўшма корхонадаги ноқонуний ўзгариш туфайли шу ерда фаолият юритаётган хорижлик тадбиркор фуқаронинг бузилган ҳақ-ҳуқуқи тикланди.

**М. АБДУЛЛАЖОНОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори,**
**У. ИБОДИНОВ**
**«Ишонч» мухбири**

## Журналист текшируви

***Таҳририятга пахтакорлик фуқаро Бекмурод Аҳмедов йўллаган шикоят хати журналист текшируви мавзуси бўлди. Пахтакор тумани Пахтачи қишлоғининг мўъжазгина мактабида содир бўлган ва бугун ҳам давом этиб келаётган қонунбузилиш ҳолатлари, мактаб раҳбарининг ходимлар ҳақ-ҳуқуқига беписандлик муносабати эътирозларни келтириб чиқарди.***

# Ойни этак билан ёпмоқчи бўлишди

18-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Бекмурод Аҳмедовни мактаб директори ўзининг 2006 йил 8 ноябрдаги 7-сонли буйруғи билан вазифасидан озод этади. Унга асос қилиб касаба уюшма қўмитасининг 2 октябрдаги 2-сонли қарорини келтиради. Бу тўғрими?

Мазкур буйруқ қонунга нечоғлик асосланди?

Аввало иш берувчи вакиллик органига мурожаат-тирова 1999 йилнинг 16 августдаги 22-буйруқ билан бошланғич синф ўқитувчиси этиб ишга қабул қилинади. Аммо у МКнинг 80-моддаси талабларига кўра махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этмайди.

1999-2000 ўқув йилининг биринчи ярми учун мактаб ўқитувчилари тарификациясида Н.Ботирова «тўлиқсиз олий маълумотли, Гулистон Давлат университетининг IV курсида таҳсил олади» дея кўрсатилган. Бунга асослар тақдим этилганми? Афсуски, йўқ. Чунки бу пайтда у ҳеч бир олийгоҳда ўқимасди.

2000-2001 ўқув йилида бошланғич синф ўқитувчиси Н.Ботировада мактабга ГулДУ томонидан берилган олий маълумот тўғрисида 264160 рақамли диплом пайдо бўлди. Афсуски, бу сохта ҳужжат эди. Аниқланишича, бундай рақамли диплом университетга кирим қилинмаган, Н.Ботирова бўлса олийгоҳ остонасини умуман хатламаган бўлиб чиқди. Шунга қарамасдан сохта диплом 2006 йилнинг 14 июлигача «кучини» кўрсатиб келди. Давлат бюджетидан юз минглаб сўмлар иш берувчининг «ҳомийлигида» ҳавога совурилди.

...2006 йилнинг 3 апрелида жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман суди мактаб директори О.Мўминовани қўл остида ишловчи икки ходимга (биринчисини 1998 йил августида, иккинчисини 1998 йил декабрида) олий маълумот ҳақидаги диплом сотганликда айблаб, унга Жиноят кодексининг 228-моддаси 2 қисми «г» банди билан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш иши тайинлади. (Иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинади). Лекин ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, шартли ҳукм қилиниб, бир йилга синов муддати белгиланди.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди аппеляция инстанцияси 2006 йил 2 майда Пахтакор туман судининг О.Мўминовага нисбатан чиқарган ҳукмини ўзгартиришсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди. Вилоят суди раёсати ўзининг 2006 йил 28 августдаги қарори билан ЎзР ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми «б» бандига кўра «жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан» жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг 2006 йил 3 апрелдаги ҳукмининг О.Мўминовага нисбатан қисми ва шу ҳукм юзасидан чиқарилган вилоят суди аппеляция инстанциясининг 2006 йил 2 майдаги ажримини бекор қилиб, жиноят ишининг О.Мўминовага оид қисмини ҳаракатдан тугатди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг 2006 йил 3 апрелдаги ҳукмига асосланиб, 3 августдаги 102-буйруғи билан О.Мўминовани мактаб директори вазифасидан озод қилган эди. Орадан бир ой ўтиб, 2006 йил 7 сентябрдаги 115-буйруғи билан жиноят ишлари бўйича вилоят суди раёсатининг 28 августдаги қарорга асосан мактаб директори лавозимига қайта тайинланади.

Шу ўринда озгина мулоҳаза қилсак. О.Мўминованинг қилмиши ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган. Суд раёсати «жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги» учун жиноят ишини ҳаракатдан тугатаяпти. Қолаверса, содир этилган жиноят 1998 йил августдекабр ойларидан то 2006 йил 24 январга қадар давом этган.

Масаланинг маънавий-ахлоқий жиҳати эътиборни тортмай қолмайди. О.Мўминова нопок қилмиши билан аввало шогирдлари, ўқувчилар, ота-оналар, меҳнат жамоаси, ҳамқишлоқлари, қолаверса, педагог-касбдошлари олдида ким бўлиб қолди. Унинг бугун ҳам мактаб раҳбари бўлиб ишлашига маънавий ҳаққи бормикин?

Айни пайтда Б.Аҳмедовнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари рўёбга чиқмаётганлиги, Н.Ботирова эса қалбаки диплом билан фаолият кўрсатиб келаётганлиги кўпчиликка кундек равшан бўлиб қолди. Ойни этак билан ёпиб бўларканми?

**Абдуманнап АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Маҳалланг — ота-онанг

# КЕЛИН УЙИГА ҚАЙТДИ

***Гувоҳи бўлаётганимиздек, эндиликда ҳаёт сўқмоқларида юзага келаётган муаммолар, уларнинг ечими борасидаги кўрсатмаларни ҳеч ким «юқори»дан белгилаб бераётгани йўқ. Эл сайлаган маҳалла оқсоқоллари, ҳозирда ҳеч бир нуфузли идоралар аралашувисиз мавжуд муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал этишга уринмоқдалар.***

***Жумладан, Нарпай тумани «Чайкал» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари жазм этган савобли ишлар бунга бир мисол. Келинг, яхшиси бор гапни маҳалла йиғини раиси Толибжон Расуловнинг ўзидан эшитайлик.***

— Оқсоқол бўлиб сайланганимга кўп бўлгани йўқ. Қараб турсам, зиммамдаги вазифалар бири-бидан чигал. Қари билганни — пари билмас, деганларидек отам ва у киши тенги отахонларни йиғиб маслаҳат сўрадим. «Кўнглимиздаги бир муаммо, ёш оилалар ўртасида ажрашишларнинг кўпайиб бораётганидир. Ёш бўлсанг ҳам, кўпларга бошсан. Мана шу масалани ижобий ҳал этмасак бўлмайди». Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор эди. Бамаслаҳат ўтириб рўйхатга туширсак, дарз кетган ёш оилалар анчагина экан. Ҳатто айримларининг бир-икки нафардан фарзандлари ҳам бор.

Қиссадан ҳисса, ишга киришиб кетдик. Дастлаб дарз кетган бу оилаларнинг ажрашиш сабаблари, эр ва хотин томонларнинг насл-насаби ҳақидаги маълумотларни ўргандик. Улар орасидан гап-сўзлари пурмаъно қариндошларни маслаҳатга чорладик. Кўпчилик бўлиб, ёшларга оила муқаддас ришта эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдик. Шу жараёнда масалалар ойдинлашиб, совуқчилик келтириб чиқарган ҳақиқат сув юзига кўпиқдай балқиб чиқди. Биз ана шу сабабларни бартараф этишга киришдик. Шукркким, саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади.

Пировардида орадан беш ой ўтгунга қадар 12 та оилани сақлаб қолишга эришилди. Лекин 13 оилани муросага келтириш қийин кечди. Бир куни эрталаб уларникига бордим. Оила бошлиғи дарғазаб, ўшқира кетди. «Сен нега менинг оилам ишига аралашасан? «Домком» бўлсанг, ўзингга!», деб дағдаға қилди. Хуллас, у билан гаплашиш осон бўлмади. Бироқ мен ҳам бўш келмадим. Қайсар бу одамнинг кўнглига йўл топишга астойдил уриндим. Елиб-югурганларимиз зое кетмади. Келин рўзғорига қайтди.

Бу ҳаракатлар бир қаранда, икир-чикирдек туюлади. Бироқ фаровон турмуш, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, эл-юрт осойишталиги, хусусан, саодатманд умр ана шулар замирида ётади. Бир сўз билан айтганда, оила бахти жамият пойдевори мустаҳкамлигидир. Зеро, буни унутиб бўларканми!

**А.МАНСУРОВ**

Пиру бадавлатларимиз

## ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР ДУО ҚИЛИШДИ

***— Меҳнат билан ҳаммага яхшилик улашадиган киши узоқ умр кўради, — дейди Лалмикор қўрғонида истиқомат қилувчи 105 ёшли Норбуви она Олламуродова. — Мен ўз тажрибам асосида шундай хулосага келганман. Яна узоқ яшашга сабаб фарзандларнинг мўмин-қобил бўлишидир. Теварак-атрофдагиларнинг кексаларга меҳр-мурувват кўрсатиб туриши ҳам умрга умр қўшади. Толеимдан айланай, фарзандларим, маҳалламиз аҳли тез-тез йўқлаб келишади. Ҳимматига яраша мурувват кўрсатишади. Ҳар байрамда ижтимоий таъминот ходимлари, ҳокимият вакиллари ҳолимдан хабар олишади, совға-салом олиб келишади.***

*Норбуви она суҳбатлашадиган одам бўлса, соатлаб гаплашишга шай, бардам-бақувват. Уч аср билан юзлашган яна бир қарияни лалмикорликлар яхши билишади. Бу Бувзилол момо Шаматовадир. 107 ёшни қаршилаган суюкли момомиз ҳокимлик вакили совға топшираётган пайтда ҳаммага бир жаҳон раҳматлар айтди. Ғаллаорол туманининг Қипчоқсув фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Қўрғон» қишлоғида яшовчи 102 ёшли Одина она Налаева бизга эски удумларимиз, сумалак сайили, Наврўз тарихи ва бугуни хусусида гапириб берди. Совға топшириш пайтида Одина она ўз сўзида дастурхонларимизга барака, элга омонлик тилади.*

*Қоратошлик 107 ёшли Гуларо Мирзаева, шўрчилик 105 ёшли Мастура Турдиқулова, гулчамбарлик 105 ёшли Ҳурбуви Умаровалар ҳам одамлар ҳаққига дуо қилишди, совға-саломлар учун раҳматлар айтишди. Хонадонларга қут-барака, раҳбарларга инсоф-диёнат тилашди.*

*Ҳа, Наврўз кунларида Ғаллаорол туманида истиқомат қилувчи уч аср билан юзлашган онахонлар ҳолидан хабар олинди. Ҳомийларнинг совға-саломлари топширилди.*

***Алибой ЭРГАШЕВ,***
***журналист***

## «ТЕЗ ЁРДАМ»ГА ДАМАС

***Қарши шаҳридаги кўркам ва замонавий бинода «Юнител» компаниясининг муҳташам офиси очилди. Унда мижозлар учун ҳамма қулайликлар мавжуд.***

«Билайн» савдо белгиси остида хизмат қилаётган филиал жамоаси Ижтимоий ҳимоя йилида катта ҳиммат кўрсатиб, вилоят марказининг «Тез ёрдам» бўлимига ўз фойдаси ҳисобидан тиббий ускуналар билан жиҳозланган «Дамас» автомобили тақдим этди ҳамда шифо муассасасига 03 рақамли компания хизматидан доимий равишда бепул фойдаланиш учун уяли телефон топширди.

«Юнител» мижози, шаҳардаги 28-мактаб директори Саид Сайдуллаевга сўнгги русумдаги уяли телефон аппарати ҳадя қилинди ва унга ҳам мобил хизмати воситасидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

## ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

**Касби туманида болалар спорт иншоотлари яна биттага кўпайди.**

Собиқ Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудида лойиҳа қиймати 1 миллиард 500 миллион сўмлик янги спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилиши ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Эндиликда олис қишлоқларда яшовчи 5 мингдан зиёд балоғат ёшидаги ўғил-қизлар миллий кураш, каратэ, футбол, волейбол, бадиий гимнастика, енгил атлетика каби 10 дан ортиқ спорт тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

Маънавият

# ОИЛА — БОШ ТАРБИЯЧИ

***Жамиятда соғлом муҳитни шакллантириш, энг аввало, оила муқаддаслигини ёшлар онгига сингдиришдан бошланади. Шунинг учун ҳам улуғ алломалар оиланинг ижтимоий аҳамиятини юксак баҳолаганлар. Никоҳ орқали унга илк пойдевор қўйилади. «Никоҳ, — деб ёзганди донишманд Цицерон, — кишилик жамиятининг биринчи поғонасидир».***

Демак, эр ва хотиннинг муқаддас бирлиги айни вақтда ижтимоий ҳодисадир. Ҳар бир жамият никоҳнинг мустаҳкамлигидан манфаатдор. У кишиларнинг шахсий иши бўлиб қолмаётганлиги боиси ҳам аслида шундан. Буюк файласуф Афлотун бу ҳақда шундай деган эди: «Ҳар бир никоҳ устидан бир нарса амр қилиб турмоғи лозим. Ҳар бир одам ўз ҳузур-ҳаловати учунгина эмас, балки давлат манфаатларини ўйлаган ҳолда никоҳдан ўтмоғи керак». Қарийб икки ярим минг йил бурун қайд этилган ҳикмат бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Оила — тарбия мактаби. Илк кўникмаларни бола оилада олади. «Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл ана шунга ишора. Ота-она фарзанди учун биринчи муаллим, биринчи мураббий ҳисобланади. Ёшларнинг келажакда қандай инсон бўлиб камолга етиши кўп жиҳатдан ота-онага боғлиқ. «Ота донолиги, — деганди Демокрит, — болалар учун чинакам сабоқдир». Дарҳақиқат, отанинг фарзандларига намуна бўладиган томонлари жуда кўп. Айниқса, ўғил болалар табиатида, хулқ-атворида отасидагига ўхшаш хусусиятларнинг юз кўрсатиши фикримиз исботидир. Қизлар эса кўпроқ онадан ибрат олишади. Шунинг учун ҳар бир ота-она фарзанди қалбига эзгулик уруғини экиши лозим. Бу эса болага тўғри йўл кўрсатиш, яхшилик ва ёмонлик ҳақида ўгит бериш орқали амалга оширилади. Ҳатто ота-онанинг аччиқ танбеҳи меваси ҳам шириндир. Аммо болани эркалатиб, фақат сеники маъқул, демоқликнинг оқибати яхши бўлмайди. Қуйидаги байтда ҳам бу ниҳоятда тўғри таъкидланган:

***Гар болангни талтайтириб ўстирсанг,***
***Ажабмас қариганда, йиғлаб турсанг.***

Ҳа, бола тарбияси жуда нозик ва масъулиятли юмуш ҳисобланади. Сал эътибор берилмаса, у издан чиқиши мумкин. Шу боис ота-оналар бунга ҳаддан ташқари эҳтиёт бўлиб ёндашиши даркор.

«Ота-она, — деганди Арасту, — болани дунёга келтирганлари учун эмас, уни одобли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учунгина олқишга сазовор бўла оладилар». Тарбияли бола интизомли, ростгўй, меҳрибон ва жавобгарликни ҳис қиладиган инсон бўлиб етишади. Уларни вояга етказиш ота-онанинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Ана шу мушкул вазифани амалга ошириш улардан катта сабр-тоқат, масъулият ва ақлни талаб этади. Оила бошлиқларининг бир-бирлари билан муносабатлари, ўзларини тутиши — ҳамма-ҳаммаси фарзандлар кўз ўнгида содир бўлади. Болалар сезгир ва таъсирчан бўлишади. Майда, кўз илғамас нарсалар ҳам уларнинг назаридан четда қолмайди. Катталарга тақлид этиб, улар қилаётган ишни такрорлашга ҳаракат қилишади. Бундай ҳолатда ота-оналар ўз хатти-ҳаракатини жиддий назорат қилиши мақсадга мувофиқдир. Зотан, болада содир бўлаётган руҳий ва ақлий ўзгаришларда бунинг аҳамияти катта.

Панд-насиҳат тарбия учун керак. Аммо меъёридан ошса, тескари натижа бериши мумкин. Бу борада Сенеканинг «Насиҳатгўйлик билан яхшиликка олиб келиш мушкул, ўрнак кўрсатиш орқали эса осон», деган фикрига доимо амал қилиш лозим. Баъзан эзмалик билан ёшларни ахлоқсизликда айблаётган кишиларни учратамиз. Бундай одамларнинг аксариятидан ўсиб келаётган авлод ибрат олиши мумкин бўлган фазилатни топиш мушкул. Шунинг учун ҳам улар айбни бошқалардан ахтариб, ўз хатоларини тушуниб етишга ожизлик қиладилар.

Бу нуқсоннинг ота-онада бўлиши эса бола тарбияси учун ўта ҳалокатлидир. Афсуски, кўпчилик ота-оналар бунга аҳамият беришмайди. Оқибатда ёшлар онгига ҳаётга нисбатан носоғлом қараш, яхшилик ва ёмонликнинг фарқига бормаслик хусусиятлари ўрнашиб қолади. Бунинг учун эса ҳар бир ота-она оилада ёлғон ишлатмаслиги, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслиги, яхши фазилатлари билан ўғил-қизлари қалбида эзгулик уйғотиши лозим. Ана шундагина жамиятимиз юрт учун фойда келтирадиган, ҳалол ва юксак ахлоқли инсонларга эга бўлади.

**Мусоқул УСМОНОВ,**
**Тошкент Молия институти профессори**

Меҳнат муҳофазаси

# БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР КАМАЙДИ

***Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Фарғона вилоят Кенгаши тизимидаги 522 та хўжалик ва корхоналарда ишловчи 243 минг нафардан зиёд меҳнаткашлар хавфсизлигини таъминлаш, жойларда қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишига эришиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.***

Ишлаб чиқаришда рўй берган бахтсиз ҳодисалар оқибатида ногирон бўлган, боқувчисини йўқотганларга товон тўловлари тўланиши аҳволи ўрганиб чиқилди. Туман ва шаҳар касаба уюшма кенгашларида «Иш берувчилар томонидан ташкилотларда меҳнаткашларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш аҳволи» юзасидан раёсат йиғилиши ўтказилди. Унда жамоа шартномалари, улардаги меҳнат муҳофазаси бўлими, шу масала бўйича битим-келишувларнинг молиявий таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жойларда ўтган йил мобайнида масъул бошқармалар билан ҳамкорликда 10 та текшириш ўтказилди. Аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан иш берувчиларга 28 та кўрсатма берилди.

Жорий йилда тармоқ вилоят кенгашига мазкур масалага доир 7 та ёзма ариза келган, 27 нафар меҳнаткаш оғзаки мурожаат қилган. Аризаларни текшириш жараёнида иш берувчилар томонидан йўл қўйилган қонунбузарлик ҳоллари бартараф қилиниб, 6 нафар меҳнаткашнинг ҳуқуқи тикланди.

Тармоқ тизимидаги ташкилотларда 2006 йил мобайнида 5 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Шу туфайли соғлиғини йўқотган 4 кишига касаба уюшма ташкилоти аралашуви билан 521,5 минг сўм миқдорда бир йўла нафақа, 314,5 минг сўм миқдорда моддий ёрдам ва дори-дармон харажатлари ундириб берилди.

Рўй берган бахтсиз ҳодисалар оқибатида бир йўла тўланадиган товон пули ўз вақтида тўлаб борилиши доимий назоратга олинди.

**М. ҲОЖИЕВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Фарғона вилоят Кенгашининг бўлим мудири**

Алишер ИБОДИНОВ

# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

***(Қисса)***

Тўйимиздан сўнг икки йил ўтгач Камолиддин туғилди. Камолиддин иккига тўлганда шу касалга гирифтор бўлдилар. Отам вафот этгач, аям мени болам билан уйимизга олиб келишди. Акамнинг Ватанга қайтиши даргумон, чунки ёшлари эллик бешда. Ўғлини уйлаб, қизини чиқаришган. Ҳаммаси бир жойда, Москва атрофларида яшашади. Сингилларим ҳаммаси уй-жойлик. Аям «уйимиз чироғини шу Камолиддин ёқиб қолади», деган ниятда уйни унинг номига расмийлаштириб қўйдилар.

— Ахир...

— Тушундим — дея ҳазин жилмайди Солиҳа, — турмуш қуриш ҳақида гапирмоқчисиз. Йўқ, ёшим энди ўтди...

— Ундай деманг, сиз... Сиз ҳозир ҳам ўн саккиз яшар қиздай гўзалсиз!

Не-не эркаклар*орзу қилишади сизни...

— Кўнгил кексайган, Бекмирза ака, кўнгил. Рости, мен ҳеч қачон бегона эркак билан бунақа... ўтиришларга чиқмаганман. Гарчи русча тарбияланган, ҳаёт тарзим европача эса-да, бу замонавий либос ичидаги тана, кўнгил ўша ўн тўққизинчи аср ўзбек аёлига тегишли...

Бу орада қуёш уй тепасидаги қоя ортига юмалаб кетди. Атрофни шом қоронғуси босди. Уй эгаси, украин аёл қовурилган кийик гўшти олиб кирди. Солиҳанинг зўрлаши билан у ҳам стол четига тўириб, бир-икки пиёла вино ичди. Солиҳанинг русча латифалари, ҳангомаларига у ҳам қўшилиб, даврани қизитди. Бека Бекмирзани ҳеч қачон бу ерда аёл киши билан кўрмаган эди... Солиҳани унинг хотини деса, олис Фарғонадан ёлғиз хотини билан бу ерга дам олгани келадиган ўзбек жуда кам. Солиҳа эса «анақа» жувонларга ўхшамайди.

— Кечирасиз, Бек ака, — деди у, — опани биз билан таништирмадингиз.

— Солиҳахон... Бирга ишлаймиз...

Шу аснода кутилмаганда кўча тарафдан машина сигнали эшитилди. Кимдир шитоб билан тақиллата бошлади...

* * *

— Ая, дадамнинг уйдан чиқиб кетганларига ҳам бир ойдан ошди... Сизга... Мабодо, бирор хат-хабар бўлмадими?

— Ие, ўғлим, буни нега мендан сўраяпсан?! Бор, анови... Ғардан суриштир!

— Ҳм... У ҳам бехабар экан...

— Ҳа демак, борибсанда аячангнинг ҳузурига? Яхши... Яхши ўғлим... Қучоқлашиб, ўпишиб кўришгандирсизлар... Даданг исқоти ҳам чиққандир танга топган тентакдай тиржайиб...

— Жон ая, қизишманг, у ҳам билмас экан дедим-ку, ахир...

— Бормаган эканми ўйнашиникига?

— Йўқ.

— Бўлиши мумкин эмас. Ахир, унда... Қаерда... Қаёққа боради?

— Илгари куни Муртазо амаким ҳам суриштирганди. Улар ҳам... анавиникига боришибди... Лекин дадам у ерга қадам босмаган! У хотин ҳам жуда ташвишда...

— Ордона қолсин ташвиши билан қанжиқ! Лекин у ерда эмас экан...

Қаерда, қаерда ахир бир ойдан буён?!

— Ҳаммамиз ана шундан хавотирдамизда, ая... Милицияга хабар берайлик десак... Нозик масала... Оиламиз обрўйига путур етади. Ҳар хил бўлмағур гаплар тарқалади эл орасида... Сиздан берухсат бўлса-да, қўшни вилоятларга одам юбордик, излашяпти. Лекин...

— Хўш, нега чайналасан?

— Ўзимизда, Андижонда, Намангандаги морглардa бўлдим.. У ерларда йўқ... Отининг ҳам дараги чиқмади... Охири, амакимлар билан маслаҳатлашиб яна бирор ой кутишга қарор қилдик. Балки, Россиядадир... Қозоғистонда бўлиши мумкин... Барча жойлардаги таниш-билишларга, ўз одамларимизга хабар етказдик... Ишқилиб, омон бўлсалар кифоя бизга!

— Айтганинг келсин. Ахир одам боласи сомон ичига тушиб қолган игна эмас...

* * *

Эрта тонгда Чодақдан Фарғонага қайтишди. Тунда беканинг аллақаёқдан келган сархуш эри ҳам уларнинг дастурхонига қўшилганди. «Очиқ дарвозани мунча тақиллатасиз» дея бека эрини ичкарига киритиши билан, эр қутурган арслондай аёлига ташланди. «Ким билан ўтирибсан?! Нима қилаётгандинг?», «Меҳмонлар олдида эдим!», «Қанақа меҳмон?» Бекмирза қараса, вада-ванг эр гапни чувалаб, вазиятни чалкаштиради. «Ҳе, Омонбой, биз эдик меҳмон», дея у ташқарига чиқди. «Ие, Бекмирза ака, бормисиз?» Эри кириб меҳмонлар олдига ўтиргач, хотин яна овқатга уннади... Тун ярмидан оғганда Омонбой ниҳоят ўтирган жойида ухлаб қолди. Бека жаврай-жаврай уни ётоғига судрагандай олиб кириб кетди. Бироз ўтгач, қайтиб чиқиб Бекмирзани бир четга имлади-да «Жойни... қандай солай?» дея сўради. «Кўрпа-тўшак берсангиз бўлди... Ўзимиз...» Ичкилик таъсирида юзлари хўрознинг тожисидай қизарган Бекмирза тирноғигача лоларанг бўлди... Солиҳа иккаласи-ти, бир кўришда ёқтириб қолиш... Ҳеч сабабсиз... Нега шундай бўлди? Кўзларингизга қарадим-у.. Чўкиб кетдим шу кўзларга... Муҳаббат деганлари, ўша ҳеч сабабсиз, бирдан аланга оладиган илоҳий туйғу шу эканми? Билмадим, аммо мен сизсиз яшолмайман. Ўша кундан кейин рости сизни суриштирдим, ахтардим... Оилангиз, болаларингиз, ҳатто невараларингиз борлигини билдим. Шундай мустаҳкам, бикир оилага ёриб кириш даҳшатини тушундим. Аммо, юрак кўймади... Ҳолбуки, мен ёш қизча эмасман... Наҳот, наҳот, умр ўтиб, ёш қирққа кетаётганда илк марта шу ёндиргувчи туйғу қаърига қуласам... Ё худо, ўзинг кечир....».

Тонг саҳарда оҳиста деразадан меҳмонлар ётган хонага мўралаган бека эркак билан аёлнинг алоҳида-алоҳида ётишганини кўриб тонг қолди.

«Шундай экан, нега бир хонада ётишди булар?»

Ўша кунлари Бекмирза янги уйланган куёвдай қувончи ичига сиғмай, порлаб юрарди. Деярли ҳар куни кечқурун Солиҳа билан учрашишар, висол учун Бекмирза шаҳар четидан битта уй сотиб олган, бекаму кўст жиҳозлаб қўйган эди. Орадан икки ойлар чамаси ўтиб, Бекмирза ўзининг савдо ишлари билан Россияга жўнаб кетди. Яхшиямки, худо раҳматли Эдисон телефон деган нарсани Бекмирза ва Солиҳанинг ғамини еб ихтиро қилган экан... Ҳар куни бир эмас, икки эмас, беш-ўн карра ўзаро мулоқотлар... Бунинг устига энг кутилмаган дақиқаларда... Масалан, Солиҳа хўжайин олдига кирган ёки йиғилишда бўлган маҳалларда телефонни ўчириб қўяди. Лекин ўчиришдан аввал Бекмирзага қўнғироқ қилиб, ҳозир телефонни ўчириши, чунки хўжайин олдига киришини айтади. Кейин хўжайин олдида юрагини ҳовучлаб ўтиради. «Тезроқ тугасайди бу мажлис қурғур»... Хўжайин олдидан чиқиши ёки мажлис тугаши билан телефонга ёпишади... «Мана, ҳозир тугади йиғилиш...» «Ҳм, мунча чўзмаса йиғилишни раҳбарингиз. Бир соат ҳам бўладими мажлис! Бир соат!» «Ҳой мусулмон, ахир соатлаб давом этадиган мажлислар борлигидан наҳот бехабар бўлсангиз!» Гоҳо, телефонда гаплашаётган пайтларида Солиҳанинг ёнида бирор кимсанинг овози эшитилиб қолса кўринг! «Ким бу рўпарангизда.. Пишқираётган!» «Ҳой, хизматдошим ахир!» Ёки аксинча Солиҳа бирдан қизишади: «Ёнингизда ҳирингаётган хоним ким бўлади сизга?» «Ҳой, инсон телевизор ахир бу! Мана овозини кўтараман эшитинг!».

Хуллас, Бекмирза бир ой юрадиган жойида ўн беш кун тезкор ҳаракат қилади-да, ишини битириб-битирмай ортга югуради... Атайлаб, шаҳарга кечга яқин кириб келади-да, висолгоҳдан Солиҳага қўнғироқ қилади... Бекмирза юқорида айтиб ўтилганидек, «ишқий саргузаштлар» бобида қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар орасида шубҳадан холи одам эди. Бу йигитнинг бегона аёлларга хушомад қилиш у ёқда турсин, тишининг оқини бекорга кўрсатганини биров билмайди. Шундай инсоннинг қутилмаганда ўзгариб қолиши, кўзларидаги аллақандай доимий мунг ўрнини бахтиёрона чақнаш эгаллагани, қадди-қомати тортилиб, ҳаракатлари чаққонлашганини дўстлар албатта сезишади.

— Кейинги пайтларда тўйган тойчоқдай гижинглаб қолдими, Бекмирза? — деган гап-сўзлар ҳам оралаб қолди улар орасида.

— Ҳа, энди иши юришса қирчанғи ҳам қийқиради, ахир... Омад келса шундай бўлади-да, дўстим... Кейинги ҳафтанинг ўзида икки вагон юк чиқарди Россияга... Шаҳарнинг катта бир туманида элликка яқин савдо дўконини товуқ гўшти, қуюлтирилган сут, хилма-хил ширинликлар билан шу одам таъминлаяпти...

Бироқ яқин одамининг юриш-туришидаги ўзгаришни энг аввало албатта хотини пайқаган эди... Кўпинча ярим тунда, сал ширакайф, ҳорғин, лекин масрур қиёфада уйга қайтган эрдан анқиган фаранг атири ҳидлари қандай «ўзаро савдо учрашуви» натижаси эканлигини Моҳигул пайқар, лекин ўз одатига кўра арқонни узун ташлаган эди. Нафсиламбирини айтганда, Моҳигул ақлли, бирон бир масалада дарров бир хулоса ясайвермайдиган, салга ловулламайдиган аёллардан эди. У аввало Бекмирзанинг теварак-атрофидан излади эридаги ўзгаришлар сабабкорини. Фирма дўконларидаги сотувчи аёллар, ҳатто фаррошларнинг ҳам юриш-туришини синчиклаб ўрганди. Сўнг таниш-билиш аёллар давраси билан қизиқди. Лекин бу доираларда Бекмирза билан бирорта ҳам аёл ўртасида оддий муносабатлардан ўзга ҳеч нарса йўқ эди. Бекмирзадаги ўзгаришларни ҳамкасб, ҳамсуҳбат аёллар ҳам сезишган ва бу ҳолнинг сабабини излаб, Моҳигулдан гап олишга ҳаракат қиладиганлар ҳам йўқ эмас эди.

— Бекмирза акамни хўб парваришлайсиз-да, Моҳигулхон, қаранг, қандай ёш, кўркам бу киши. Ҳолбуки, элликдан ошганларига анча бўлди-ёв. Албатта сиздай умр йўлдоши ёнларида экан, қарийдими эр...

— Ҳм, озгина нотобликлари бор эди... Россиядаги кучли дўхтирларга кўрсатиб, шифо топдилар-да, айланай...

— Ҳа... Саломат бўлсинлар, уйда хўжайин соғ бўлса, ишимизнинг юришгани шу...

Баъзан Моҳигулнинг уйқуси қочар, ҳали — ярим тунда аллақаёқдан сархуш ва шодон қиёфада қайтиб, бир пасда қотиб ухлаб қолган эрининг юзларига, томоқлари, очиқ елкаларига узоқ термулиб қоларди. «Нима бўлди, бу одамга? Наҳот ёши бир жойга етган бир даврда кимгадир илакишган бўлса?! Ҳа, эркак зоти ўзи шунақа дейишарди. Мен ахир... Ахир, ҳаётимни бахш этдим шу инсонга! Ота-онам, қариндошларимдан воз кечсам кечдимки, ундан узоқлашмадим. Саккиз нафар етимни боқиб, ўстириб, уйли-жойли қилишда елкадош бўлдим.

**(Давоми бор).**

**Боши ўтган сонларда.**

## Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича анъанавий VIII халқаро турнир ва қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати олдидан

**Сурхондарёнинг ҳар бир қишлоқ, қўрғон ва овулларида исмига полвон сўзини қўшиб чақириладиган юзлаб инсонларни учратасиз. Уларга бу ном бекорга берилган эмас. Улар бу номга катта-кичик давраларда рақибини ҳалол, нақ икки елкасини ерга теккизиб, эл-нинг олкишини олиб, сазовор бўлишган. Ўтган асрнинг 80- йилларида нафақат Сурхондарёда, балки республикамизда жаркўрғонлик Ўрол полвон Курбоновга тенг келадигани топилмасди. Алплар заминида чиниққан бу полвон, ҳеч маҳал бир усулдан иккинчи маротаба фойдаланмас эди. Шу боисдан жуда кўплаб мусобақаларда рақибларни доғда қолдириб, бош совринни қўлга киритарди. Ширидан-ширин қизлари ардоғида яшаётган Ўрол полвон хонадонида 1983 йил 3 февралда ўғил туғилди. Шунда ота, Аллохга беадад шукроналар айтиб, нуридийдасига ният билан Ўткир деб исм қўйди. Ўша бахтиёр дамларни Ўрол полвон шундай эслайди.**

**— Ўткиржонни туғрукхонадан олиб қайтишга борганимизда, уни йўргаклаган ҳамшира «насиб этса кучи билакларига сиғмайдиган полвон бўлади, тойчоғингиз. Қаранг, йўргакланган ҳолатдаги типирчилашларини» деб қулиб қўйганди. Каранг, менинг кўнглимни топиб, сўзлаган ҳамширанинг сўзларига фаришталар омин дейишган чоғи, Ўткир катта-катта кураш майдонларида елкаси ерга тегмаган довруғли полвон бўлди.**

# ЎРОЛ ПОЛВОННИНГ АРСЛОНИ

Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб, Ўткир улғайди. У отаси орзу қилгандек гўдаклигидан курашга бўлакча меҳр қўйди. Қишлоқлардаги тўйларда бўлиб ўтадиган курашларга Ўрол полвон ўғлини ўзи билан олиб юрарди. Ёш болалар кураш тушса, Ўткир ҳам тенгқурлари билан ёқа ушлашарди. Тўпланганлар унинг икки қўлини баланд кўтариб ўйнаб давра айланиши-ю, рақибини майдон ўртасига чиқариб, қўлларига туфлаб, яктагини қўллари билан орқага суриб, баъзи катта полвонлар ҳам ўйламайдиган усуллар қўллаб, рақибини ҳалол йиқитишини мириқиб томоша қиларди.

Фарзандининг курашга бўлган қизиқиши Ўрол полвонни бефарқ қолдирмади. Уни янада чиниқтириб, тажрибасини ошириш мақсадида 14 ёшида Самарқанд шаҳридаги спорт мактабига олиб борди. Ўсмир йигит бир қанча чемпионлар тарбиялланган бу мактабда миллий курашимиз билан бирга дзюдо бўйича ҳам маҳоратини ошириб борди. У мактабда мусобақалар бўладими, тўйлардаги курашми, белини маҳкам боғлаб, майдонга тушарди ва ҳар гал ғолиб чиқиб, отасини, устозларини қувонтирарди. Ўткир 1997 йилда Бухоро шаҳридаги дзюдо бўйича ўтган республика биринчилигида ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди. Устозларининг унга бўлган ишончи янада ортди.



Айни дамда Ўткир полвон Курбонов халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини дунёга кўз-кўз қилмоқда.

У 2001 йил Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида Индра Ганди хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда 81 килограмм вазн тоифасида қитъадаги манаман деган полвонларнинг елкасини ерга текизди. Ўткир ўша йилги Россиянинг Красноярск шаҳрида дзюдо бўйича ўтган Европа биринчилиги, Вьетнамда ташкил этилган қитъа чемпионатларида ғолиб бўлди. 2002 йилда эса Сурия нинг Дамашқ шаҳрида ташкил этилган Осиё биринчилигида 90 кг вазн тоифасидаги полвонлар беллашувида олтин медални қўлга киритди.

2005 йил ҳеч хотирасидан ўчмайди. Ўшанда Ал-Ҳаким ат - Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтган кураш бўйича анъанавий 7 халқаро турнирда зафар қучди. 2006 йилнинг июн ойида Эрон пойтахти Техрон шаҳрида ўтган дзюдо бўйича «А» серияси гирувчи халқаро турнирда 100 кг вазн тоифасида қатнашиб, 45 мамлакат спортчилари орасида олтин медалга эришди.

Полвоннинг рағбати кураш майдонида билинади, дейишади. Ўткирни янги-янги зафарларга чорлаётган яна бир туйғу шу бўлса не ажаб.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

«Таъзия нутқи керакми?» мақоласини ўқиб

# ҒОЯТ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

***Ёшинг ўтиб боргани сайин фоний дунё, умр, ҳаёт мазмуни ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолар экансан. Шундай кунларнинг бирида биз оила аъзоларимиз билан севиб мутолаа қиладиган «Ишонч» газетасининг 10 феврал сонида босилиб чиққан «Таъзия нутқи керакми?» мавзуидаги мақола эътиборимизни тортди.***

Биз Фарғона шаҳрида узоқ йиллардан бери яшаб келамиз. Юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қиладиган бу шаҳарда тўю маъракаларда турли миллат вакиллари билан бирга бўлиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, бундай тадбирлар одамларни бирлаштирар экан. Бу, айниқса, дафн маросимларида яққол сезилиб қолади.

Ўтган йили ёз ойида бутун умрини илм-фанга, таълим-тарбияга бахшида этган рус миллатига мансуб бир устознинг дафн маросимида қатнашганимда қабристонга йўл олишдан олдин марҳум билан видолашув мингинги ўтказилган эди. Унда марҳумни хотирлаб қисқа-қисқа нутқлар сўзланди ва охирида маҳалла ўзбеклари номидан бир отахон ўзбекча нутқ сўзлаб, сўзининг ниҳоясида омин деб дуога қўл очди. Шу ерда ҳозир бўлган турли миллат вакиллари баробарига юзларига фотиҳа тортдилар. Бундан шундай хулосага келдимки, инсон қайси динга мансуб бўлмасин, ўлим олдида бир хил фикрлаб, бир хил ўйлаб қолар экан.

Мен Ўзбекистон халқ артисти, «Ўзбекистон булбули» деб ном олган машҳур санъаткор Таваккал Қодиров, республикада хизмат кўрсатган агроном Деҳқонбой Ғоипов, беназир инсон, устоз ва шоир Иқбол Назаровларнинг дафн маросимларида қатнашганимда эсда қоларли таъзия нутқларини эшитганман. Шуни ҳам унутмаслик керакки, таъзия нутқи кўпчиликнинг хотирасида қолади.

Олимларнинг кузатишларига қараганда, инсон руҳи вужудни тарк этгач, тана енгиллаб қолар экан. Халқимиз орасида «Арвоҳлар ҳозир» деган гап мазмунидан ҳам маълум бўладики, руҳ, бизнинг ҳар бир ҳаракатимизни кўриб, билиб туради. Шундай экан, марҳум билан видолашув нутқининг нимаси ёмон? Бизнингча, бу жуда ҳам зарур ва у жаноза ўқилгунча амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу видолашув нутқи жаноза иштирокчилари учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

**Муқимжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**Фарғона шаҳри**

## Футбол

# КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

4-турда «Пахтакор» ва Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоалари учрашувида йирик ҳисоб қайд этилди -4:1. Шунингдек, «Қурувчи» -Трактор» баҳсида Ҳикмат Эргашев шогирдларидан омад очиқчасига юз ўгирди -0:1. Ва аксинча, мавсум бошидан буён боши мағлубиятдан чиқмаётган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси 16-чемпионатдаги илк ғалабасига эришди. «Шўртан»-«Навбаҳор»-1:2.

Қолган натижалар билан танишинг: «Нефтчи»-«Вобкент»- 4:1,«Бухоро»-«Самарқанд-Д»-0:2, «Тўполанг»-«Машъал»-0:1,«Насаф»-«Металлург»-3:1, «Андижон»-«Локомотив»-1:0.

**Акмал АБДИЕВ**

## Саховатда савоб кўп

***Тани соғлик — туман бойлик. Ана шу туман бойлиги — саломатлиги қўлдан кетаётган одам, шубҳасиз, ғам-ғуссага ботади. Дунёнинг жамики гўзалликлари-да кўзига тарикча кўринмайди. Бундай ҳолатни бартараф этиш нафақат одамнинг ўзига, балки атрофидагиларнинг меҳр-муҳаббатига, қолаверса, эътиборига ҳам боғлиқ. Шу боис масъул ташкилотлар томонидан жойларда инсон манфаатларига йўналтирилган кўпгина ишлар олиб борилмоқда.***

Фикримизнинг исботи сифатида Чирчиқ шаҳридаги 2-сонли тиббий меҳнат эксперт комиссияси фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда айни пайтда ногиронликнинг олдини олиш, даволаш ва реабилитация ишлари амалга оширилмоқда. Саъй-ҳаракатлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида 2006 йилда 3-гуруҳ ногиронларини иш билан таъминлаш бўйича туман «Меҳнат биржаси» билан шартнома тузилди. Шартномага мувофиқ ана шу гуруҳ ногиронларидан 134 кишига тавсиялар берилди. Шулардан 6 киши ишга жойлаштирилиб, 46 нафари таклиф қилинган ишни рад этишди. 82 нафари эса ҳатто меҳнат биржасига боришни ҳам лозим топишмади. Бундан кўриниб турибдики, айрим фуқароларимиз ўзларига берилган имкониятдан унумли фойдаланишмайди. Натижада маълум вақт бекор қолиб кетишади. Бу ўз навбатида уларнинг турмуши, яшаш тарзида муаммолар келтириб чиқаради. Шунинг учун ходимларимиз жойларга чиқиб, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ва касбга ўргатиш, уларни ижтимоий таъминот бўлимига қарашли билим юртига ўқишга жойлаштириш мақсадида шаҳар ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда 1998 йилнинг апрел ойида буйруқ қабул қилинган эди. Шундан буён кўпгина ўқишга лаёқатли ногиронлар билим юртларига жойлаштирилди.

# МЕҲР – МИСЛИ ШАМЧИРОҚ

Айтишга арзигулик ишлардан яна бири фуқаролар орасида бирламчи ногиронликнинг олдини олиш бўйича ҳудуддаги шифохоналарда махсус даволаш ва реабилитация хоналари ташкил этилганидир. Жорий йилга келиб бундай хоналар сони янада кўпайди. Шу баробарда ёрдамга муҳтож кишиларимиз нафақат касалхоналарда, балки сиҳатгоҳларда ҳам ўз соғликларини тиклашмоқда.

Шунингдек, муҳтож фуқароларни протез, ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, 132 нафар ногиронга протез ва ортопедик мослама, 8 нафарига аравача берилди. Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят МТМЭК томонидан ишлаб чиқилган бўйруққа асосан тез-тез касалликка чалинувчиларга алоҳида ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Шу баробарда вояга етмаганлар орасида ногиронликнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида соғломлаштиришга ҳам эътибор қаратилган. Катаракта касаллиги билан касалланган ёлғиз, кекса ва кам таъминланган фуқаролар учун жарроҳлик йўли билан имтиёзли равишда даволаш амалиёти йўлга қўйилган. Бу борада ҳомийлар ёрдами анча қўл келаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Қўшимча тарзда шуни айтиш мумкинки, ТМЭК томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган сил билан оғриган касаллар, амнистия туфайли жазодан озод этилганлар, ёлғизлар, СПИДга чалинган ҳамда гиёҳвандликка берилганлар тегишли касалхоналарда текширувдан ўтказилиб, даволаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, соғлиғи ёмонлиги туфайли ТМЭКга келолмайдиган ногирон ва беморлар уйларида кўрикдан ўтказилмоқда.

Айтишларича, саховатпешаликда савоб, бағрикенгликда ҳикмат кўп экан. Шу боис «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш куни», «Халқаро ногиронлар куни» ва «Ҳайит» каби байрамлар арафасида маҳалла оқсоқоллари, ижтимоий таъминот бўлимлари ва Ногиронлар жамияти билан биргаликда тадбирлар ўтказилиб, ўксиклар кўнгли олинмоқда.

Ишларимиз ривожини таъминлашда терапевт Гулшан Абдуҳамидова, невропатолог Умида Эшмуҳаммедова, олий тоифали шифокор Наргиза Урунова, катта ҳамшира Зуҳра Тўйчибоеваларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Йиллар ортидан йиллар ўтиб, жамият тараққий этаверади, аммо инсон саломатлиги ва унинг моҳияти ҳеч қачон ўзгармайди. Кишиларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳисси хаста қалбларни шамчироқ мисоли ёритиб бораверади.

**Равшан ЭРНАЗАРОВ,**
**Чирчиқ шаҳар 2-сонли тиббий меҳнат эксперти комиссияси раиси**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармасининг жамоаси бошқарманинг ҳуқуқ масалалари бўйича етакчи мутахассиси Гулнора Абдураҳмоновага волиади муҳтарамаси

**ХОЛИДА** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси ва Марказий Кенгашнинг Тошкент вилояти бўйича вакиллиги вакилликнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассиси Муқаддам Худойбердиевага акаси

**Икром ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

**Газетанинг навбатдаги сони 14 апрел куни чиқади**

## 10 апрел — Абдулла Қодирий таваллуд топган кун

***Ҳамиша бир ўй дилимдан кечади. Бутун онгли ҳаётини ўзбек миллатининг эрки, истиқлоли ва маънавий камолоти йўлига бағишлаган инсоннинг асарлари билан халқимиз, хусусан, ёшларимиз қай даражада таниш? Унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ реалийларни муқаддас даражасида тутмоқдамизми? Муҳими, адибни ўйга, изтиробга солган воқеликка унинг кўзи билан қарашга бирон марта уриниб кўрганмизми? Ундаги жасоратнинг ҳеч бўлмаса бир учқуни қалбимизни жизиллатганми?***

# САРКОТИБ

## адибнинг озиқ — овқат комитетидаги фаолияти ҳақида

Аллоҳга шукрки, бу саволларнинг аксариятига ижобий жавоб бериш мумкин. Севимли адибимизнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларини ҳамма ўқиган, ўқимаганлар ҳам ҳеч бўлмаганда, булар асосида суратга олинган кино ва телефильмларни кўрган. Довдир Қалвак Махзумнинг, чапани Тошпўлатнинг гапларини ўқиб, завққа тўлганлар қанча! Ширвон холанинг сўзларини ўз хола, аммалари сўзларига қиёс қилиб кўрганлар ҳам бордир... Ҳуллас, бу жиҳатдан анча-мунча тилга оладиганларимиз бор. Яна бир карра Яратганга шукрки, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди билан шуғулланган ва шуғулланаётган олимларимиз талайгина. Уларнинг ёзган мақолалари, монографияларини жамласак, китоб жавонидан кўринарли жойни эгаллайди. Адибнинг номини абадийлаштириш борасида ҳам анча ишлар қилинган. Бундай хайрли тадбирларнинг бошида Юртбошимиз тургани дилларга алоҳида зиё бахш этади. Севикли адибимизнинг ўз ибораси билан айтганда, бу борада намойиш қиладиганларимиз обрўсини жойига қўйиб тушган келиннинг сепидан ҳам мўлроқдир. Шундай бўлса-да, ёзувчининг ижоди мисли бир уммон. Қидирилса, изланса, тадқиқотчи янги-янги фактларни, ҳодисаларни тола олади. Шу ақидага амал қилиб, Абдулла Қодирий ижтимоий хизмати ва қаламидан халқнинг оғирини енгил қилиш, қисматини яхшилашга қай даражада ҳисса қўша олди, деган саволга бир жузъий мисол асосида мухтасар жавоб излагим келди(албатта, мўъжаз бир мақолада бунга имкон қанчалик мусоида этганича).

Адибнинг таржимаи ҳолида шундай сатрлар бор: «1918 йил бошларида Эски шаҳар озиқ комитети бойлар қўлидан олиниб, комитетнинг раислигига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев тайин қилинган эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблигига кирдим. 1919 йилнинг аввалида комитетнинг исмидан чиқарилмоқчи бўлгон «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлиб тайинландим...»

Бу сатрларни ўқиган кишилар, хусусан ёшлар «Нима бўлибди, комитетда ишлаш қийинми, ҳизмат бўлгандан кейин бажаради-да», дейишлари мумкин. Келинг, аслида шундайми, йўқлигини бир оз шарҳлаш орқали аниқлаштирайлик.

...1914 йилнинг июлида бошланган Биринчи жаҳон урушининг ҳаддан зиёд чўзилиб кетиши, бунинг устига 1917 йили икки тўнтаришнинг амалга оширилиши, хусусан, большевиклар ҳокимият тепасига келганидан кейин фуқаролар урушининг юзага келиши мамлакатда озиқ-овқат таъминотини қийин аҳволга солиб қўйди. Дастлаб пайдо бўлган қимматчилик бора-бора қаҳатчиликка айлана борди. Шундай оғир бир пайтда, озиқ-овқат масаласини тартибга солиш учун Туркистонда ҳукумат томонидан озиқ-овқат комитети ташкил қилинади. Бу ташкилот дастлаб шовинистлар қўлида бўлиб, асосан европаликларга озиқ-овқат тақсим қилиш билан шуғулланарди. Маҳаллий аҳолига номигагина у-бу нарса берилган. Натижада, очдан ўлганлар деярли маҳаллий аҳолидан бўлган. Очликдан силласи қуриб ўлганларнинг аянчли манзарасини Абдулла Авлоний «Афғон саёҳати» очеркида шундай тасвирлайди. 1919 йил «16 июнда кеч соат 8 да келуб, Хавос истансасида қолдук. Йўлларда бўсун, истансаларда бўсун, яланғоч, авротлари (уятли аъзолари — Б. Д.) очуқ, кийимлари пора-пора мусулмон хотин-қизлари, ёш-ёш болалар кўрилурди. Албатта, илмсиз ва тарбиятсиз, аҳволи оламдан хабарсиз мусулмонларнинг ҳол-аҳволлари биргина Ўрта Осиё йўлинда эмас, бутун Туркистоннинг ҳамма ўлкасинда шуйла фано ва аянч ҳолда эканлиғин ҳеч ким инкор қилмайди... Бизим Туркистонда ҳар ерда ҳозирда иш бошинда ўлтурғон рус товаришларимизнинг ўзлари иш бошиға ўлтуруб олуб, ўзлари ошалаб, биз мусулмонларга ялатувларининг натижасидур. Мазкур аҳолилардан сўралганда, алҳамдулиллоҳ, бу йил бултургига қараганда ҳолларимиз яхши. Бу йил фақат яланғоч бўлсамиз ҳам, бир оз емакликға ғадолик ва тиланчилик қилуб умр ўткарамиз. Агарда бултур келган бўлсангиз эди, бу йўлда «оҳ, нон!..» деб жон бериб ётган мусулмонларни кўрар эдингиз, дея бу ҳолларига ҳам шукур баён қилардилар».

Тошкентда ҳам аҳвол шунга яқин бўлган. 1917 йил феврал инқилоби туфайли Николай Иккинчи тахтдан ағдарилгач, «Шўрои ислом» деган ташкилот тузилади. Бу ташкилот сиёсий вазифаларни биринчи ўринга қўйгани учун маҳаллий аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш борасида деярли ҳеч нарса қилолмайди. Тошкентнинг Янги шаҳар (европаликлар яшайдиган) озиқ комитети ойда бир марта Эски шаҳарнинг ҳар маҳалласига уч-тўрт қоп ун беришдан нарига ўтмаган. Улар кўрсатган важ-карсон маҳаллий аҳоли орасида карточка тизимининг йўлга қўйилмагани бўлган. Маҳаллий аҳоли, мусулмонлар очлик азобини чекиб қолаверган. Шу боис 1917 йил май ойининг ўрталарида «Шўрои ислом» ташкилоти аъзоси Каттахўжа деган шахс бир гуруҳ жамоат ходимлари билан Эски шаҳарда озиқ комитети ташкил қилмоқ ташаббуси билан чиқишган. Унинг бу таклифи «Шўрои ислом»нинг умумий мажлисида муҳокама қилиниб, маъқулланганидан кейин Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги тўрт даҳанинг ҳар биридан олти вакилдан сайланиб, Озиқ-овқат комитети ташкил этилади. Комитет раислигига Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, раис ўринбосарлигига Абдумавлон қори Набихонов, саркотибликка Башируллахўжа Асадуллахўжаевлар сайланган. Ташкил қилинган комитет кўнгилдагидек ишлай олмаган. Жон бошига ҳафтасига 2-3 қадоқ ун тарқатишдан нарига ўтолмаган. 1918 йил 19 апреллдан комитет мусулмон ишчи-меҳнаткашлар томонидан бошқариладиган бўлди. Унинг раислигига Султонхўжа Қосимхўжаев, раис ўринбосарлигига Саидакрам Саидазимбоевлар сайланишади. Абдулла Қодирий мана шу пайтдан эътиборан комитетда ишлай бошлаган. Орадан кўп ўтмай, 1918 йилнинг 15 майида «Озиқ комитети ишлари» номли варақанинг 1-сони нашрдан чиқади. Кейинчалик у «Озиқ ишлари» номи билан ҳафтада бир чиқиб турган. Абдулла Қодирий ана шу газетага масъул этиб тайинланган. Лекин газетага муҳаррир сифатида унинг имзоси қўйилмаган. (Расмий ношири ва муҳаррири Эски шаҳар озиқ комитети управаси, деб кўрсатилган).

Янги ташкил этилган комитет озиқ-овқат масаласида тартиб ўрнатишга киришган. Карточка тизимини ўрната бошлаган. Хусусий тарзда четдан ғалла олиб келиб сотишни тақиқлаган. Озиқ-овқатларнинг қатъий нархини белгилаган ва ҳоказо.

Комитет озиқ-овқат масаласини ташкилий жиҳатдан ҳал қилишга киришар-киришмас, мусулмон иморат усталаридан юздан зиёди ўзларига улушларидан ортиқча озиқ-овқат талаб қилган ҳолда комитетга келиб, ишлаёт